

**РСТЭИАМ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ СУД – ГИСТОЛОГИЯ
БЎЛИМИДА 2020-2024 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ДИАТОМ –
ПЛАНКТОН ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Давранова Азиза Эркиновна
Самарқанд давлат тиббиёт Университети
Суд тиббиёти кафедраси доценти

Хасанова Дилшода Юнусовна
Республика суд-тиббий экспертиза
илмий-амалий маркази Тошкент вилояти
филиали суд-гистология бўлими эксперти

Рашидов Фаёд Абдурауфович
Самарқанд давлат тиббиёт Университети
Суд тиббиёти кафедраси
2курс клиник ординатори

Мейлиев Хумоюн Абдумуродович
Республика суд-тиббий экспертиза
илмий-амалий маркази Самарқанд вилояти
филиали суд-амбулатория ва морфология
бўлими эксперти

Аннотация. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра ҳар йили уч юз эллик мингдан ортиқ одам чўкишдан вафот этади. Аксарият ҳолларда чўкиш бахтсиз ҳодиса оқибати сифатида юз беради, айрим ҳолатлардагина ўз-ўзини ўлдириш чўкиш орқали амалга оширилади. Ўлимнинг ушбу тури қотилликда, айниқса сузишни билмайдиган шахсларга нисбатан камдан - кам бўлсада кузатилиши мумкин. Лекин баъзан тирик одам сувга тушиши ва чўкишдан ўлим ҳолатларида ҳам ички аъзо ва тўқималарда диатом – планктон топилмаслиги мумкин. Ички аъзо ва тўқималарда диатом планктон топилмаслиги сув ҳавзасининг характериға, чўкиш рўй берган йил фаслиға, сувдаги ўлим сабаби ва тезлиғига, мазкур сув ҳавзасида диатом – планктонларнинг циклик ривожланиш давриға боғлиқ.

РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиали суд гистология бўлимида ўтказилган 2020 – 2024 йилларда ўтказилган диатом – планктон текширув далолатномалари ретроспектив таҳлил этилди. Бу жараёнда чўкишдан вафот этганларнинг ёши, жинси, чўкиш рўй берган йил фасллари, ички аъзоларда диатом – планктон аниқланиш кўрсаткичлари каби масалаларға эътибор берилди. 2020-2024 йиллар давомида 879 та диатом – планктон текшируви

ўтказилган бўлиб, бу ушбу даврдаги суд – гистологик текширувларнинг 6,2% га тўғри келди.

Диатом – планктон текшируви натижаларини баҳолашда сувдаги ўлим хусусиятларини, яъни юрак ва нафас фаолиятини асфиктик жараен бошида тўхташи ёки ўлим асфиксия белгиларисиз кечишини инобатга олиш керак, шунингдек чўкиш диатом – планктонларсиз сув ҳавзасида ёки диатом – планктонларнинг даврий ривожланиш жараенининг диатом минимум вақтидаги сув ҳавзасида рўй берганда сувдан топилган мурда ички аъзоларида диатом – планктон аниқланмаслиги мумкин.

Таянч сўзлар: механик асфиксия, чўкиш, сувдан топилган мурда, диатом – планктон.

ANALYSIS OF THE RESULTS OF DIATOME-PLANKTON EXAMINATION IN THE FORENSIC-HISTOLOGY DEPARTMENT OF THE TASHKENT REGIONAL BRANCH OF RSTEIAM FOR 2020-2024

Davranova Aziza Erkinovna
Samarkand State Medical University
Associate Professor of the Department of
Forensic Medicine

Khasanova Dilshoda Yunusovna
Republican forensic examination
scientific and practical center, Tashkent region
branch forensic histology department expert

Rashidov Fayod Abduraufovich
Samarkand State Medical University
Department of Forensic Medicine
2nd year clinical supervisor

Meyliev Khumoyun Abdumurodovich
Republican forensic examination
scientific and practical center of Samarkand region
branch forensic ambulatory and morphology
department expert

Abstract. According to the World Health Organization, more than three hundred and fifty thousand people die from drowning every year. In most cases, drowning occurs as a result of an accident, and only in some cases is suicide carried out

through drowning. This type of death can be observed, albeit rarely, in murder, especially in relation to persons who do not know how to swim. However, sometimes even in cases where a living person falls into water and dies from drowning, diatoms - plankton - may not be found in internal organs and tissues. The absence of diatom plankton in internal organs and tissues depends on the nature of the water body, the season of the subsidence, the cause and rate of death in the water, and the cyclical development of diatom plankton in this water body.

A retrospective analysis of the acts of the diatomaceous-plankton study conducted in 2020-2024, conducted in the forensic histology department of the Tashkent regional branch of the RSTEIAM, was conducted. In this process, attention was paid to such issues as the age, sex, seasons in which the drowning occurred, and indicators of the detection of diatoms and plankton in the internal organs of the drowning victims. During the period 2020-2024, 879 diatomaceous-plankton studies were conducted, which amounted to 6.2% of forensic histological studies for this period.

When assessing the results of the diatom plankton study, it is necessary to take into account the features of death in the water, i.e., the cessation of cardiac and respiratory activity at the beginning of the asphyctic process or the occurrence of death without signs of asphyxia, and also, when drowning occurs in a water body without diatom plankton or in a water body during the periodic development of diatom plankton at a diatom minimum, diatom plankton may not be detected in the internal organs of the corpse found in the water.

Keywords: mechanical asphyxia, drowning, body found in water, diatoms - plankton.

Мавзунинг долзарблиги: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра ҳар йили уч юз эллик мингдан ортиқ одам чўкишдан вафот этади. Ривожланган давлатларда чўкиш механик асфиксия структурасида осилишдан кейинги иккинчи ўринда туради.

Аксарият ҳолларда чўкиш бахтсиз ҳодиса оқибати сифатида юз беради, айрим ҳолатлардагина ўз-ўзини ўлдириш чўкиш орқали амалга оширилади. Ўлимнинг ушбу тури қотилликда, айниқса сузишни билмайдиган шахсларга нисбатан камдан - кам бўлсада кузатилиши мумкин [1;131]. Сувдан топилган мурдаларда, айниқса чириган мурдалар ички аъзо ва тўқималарида диатом – планктон топилиши чўкишдан ўлимни тасдиқловчи ишончли белги ҳисобланади. Лекин баъзан тирик одам сувга тушиши ва чўкишдан ўлим ҳолатларида ҳам ички аъзо ва тўқималарда диатом – планктон топилмаслиги мумкин. Ички аъзо ва тўқималарда диатом планктон топилмаслиги сув ҳавзасининг характериға, чўкиш рўй берган йил фаслиға,


сувдаги ўлим сабаби ва тезлигига, мазкур сув ҳавзасида диатом – планктонларнинг циклик ривожланиш даврига боғлиқ [2;1].

Сувдан топилган мурдаларда нафас йўллари сўв билан беркилишидан келиб чиққан механик асфиксия - чўкиш ташхисини қўйиш кўпчиликл ҳолатларда қийинчилик туғдирмайди. Чўкишни макроскопик белгилари (тери қопламларини оқимтирлиги, оғиз, бурун тешиклари атрофида, трахея, бронхларда турғун майда оқ кўпик бўлиши, ўпкаларда ўткир эмфизема, субплеврал қон қуйилишлар, Рассказов-Лукомский-Пальтауф доғлари, калла асос суяги бўшлиғида суюқлик топилиши ва бошқалар) тўғри ташхис қўйишга имкон беради. Лекин мурдани сўвда узок муддат туриши ва чириш ўзгаришлари ўлим сабабини аниқлашда қийинчилик туғдиради. Суд – гистология бўлимида ўтказиладиган диатом – планктон текшируви натижаси чўкишнинг ишончли ва баъзида ягона белгиси ҳисобланади. Диатом – планктонлар сўв ҳавзаларида кенг тарқалган 4-2000 мкмгача ўлчамга эга бўлган бир хужайрали микроорганизмлардир. Диатомеялар ёз ойлари ва иссиқ кунларда интенсив кўпаяди (диатом максимум даври), қиш ойлари ва совуқ кунларда сўв ҳавзаларида планктонлар сони камаяди (диатом минимум даври). Диатом – планктонларнинг кремний сақловчи қобиғи бўлиб, бу қобиқ чириш жараёни, юқори термик таъсир, кучли кислота ва ишқорлар таъсирига чидамлидир. Чин чўкиш жараёнида 200 мкмгача ўлчамга эга бўлган диатомеялар ўпка альвеолаларининг шикастланган қон томирлари орқали қонга ўтади ва қон оқими билан бутун организмга тарқалиб, паренхиматоз аъзолар ва узун найсимон суяклар илигида ушланиб қолади. [3;104]. Мурда сўвга тушган ҳолатда диатом планктон мурда сўвда туриши ҳисобига диатомеялар фақатгина ўпка тўқимасида топилиши мумкин. Ўпка тўқимасида диатом – планктонлар топилиши чўкишни исботламайди, балки сўв оғиз ва бурун тешиклари орқали ўпкага кириб борганлиги учун мурда сўвда бўлганлигини тасдиқлайди [4;219]. Чўкишнинг синкопал типига (10-15% ҳолларда учрайди) ўлим юрак ва нафас фаолиятини бир вақтда рефлектор тўхташи натижасида юз бериб, аёл ва болаларда кўрқув, совуқ сўв таъсири (гидрошок) ёки юқори нафас йўлларига кириб борган оз миқдордаги сўвнинг қўзғатувчи таъсирида (ларинго – фарингиал шок) юзага келади. Чўкишнинг “синкопик” вариантыдан ўлимни амалиётда деярли исботлаб бўлмайди [5;219], бу ҳолатда ҳам диатомеялар мурданинг сўвда туриши ҳисобига ўпкада аниқланиши мумкин. Диатом – планктон учрамайдиган чуқур қудуқлар сувида чўкишда диагностик ички аъзолар, калла асос суягидан олинган суюқлик ҳамда ўпкада ҳам диатом – плантон топилмайди.


Тадқиқот мақсади: РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиали суд – гистология бўлимида 2020-2024 йиллар давомида диатом – планктон текшируви натижаларини таҳлиллаштириш.

Тадқиқот материаллари ва методлари. РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиали суд гистология бўлимида ўтказилган 2020 – 2024 йилларда ўтказилган диатом – планктон текширув далолатномалари ретроспектив таҳлил этилди. Бу жараёнда чўкишдан вафот этганларнинг ёши, жинси, чўкиш рўй берган йил фасллари, ички аъзоларда диатом – планктон аниқланиш кўрсаткичлари каби масалаларга эътибор берилди.

Тадқиқот натижаси ва муҳокамаси. 2020-2024 йиллар давомида 879 та диатом – планктон текшируви ўтказилган бўлиб, бу ушбу даврдаги суд – гистологик текширувларнинг 6,2% га тўғри келди. Текширилган 879 ҳолатнинг 710 таси (80,7%) эркаклар, 169 таси (19,2%) аёллар ташкил этган. Ёш тавсифига асосланиб берилган ёш интервалларида қуйидаги гуруҳларга тақсимланди: 18 ёшгача бўлганлар – 309 та (35,1%), 18-44 ёшдагилар – 303 та (34,4%), 45-59 ёшдагилар – 175 та (19,9%), 60-74 ёшдагилар – 79 та (8,9%), 75-90 ёшдагилар - 9 та (1,02%), 90 ёшдан ошганлар - 0. Ёш гуруҳлари жинси бўйича таҳлил этилиши қуйидаги диаграммада акс эттирилди:



Энг кўп чўкиш сони июл ойига – 173 та, энг кам чўкиш сони феврал ойига - 20 та тўғри келди. Йил ойлари бўйича чўкиш ҳолатларининг тақсимланиши қуйидаги диаграммада акс эттирилди:



Диатом планктон текширувига воқеа жойидан сув намуналари ва сувдан топилган мурдаларнинг ички аъзолари тақдим этилган. Диатом – планктон текширувига келтирилган объектлар “Суд – тиббий экспертиза ва текширувларни ўтказиш стандартлари”, “Амалларни бажариш йўриқномалари” асосида ўтказилган. Мурдадан келтирилган ички аъзолар А.Л. Корсаков, К.В. Якимова модификациясида деструкция ва минерализация қилиниб, минерализат кислоталардан дистилланган сув ёрдамида тозаланиб центрифугаланган, ҳар бир аъзонинг чўкмалари алоҳида – алоҳида пробиркаларга йиғилиб (концентрирланиб), микроскопик усул билан текширилган. Калла асос суяк бўшлиғидан олинган суюқлик центрифуга пробиркаларга солиниб центрифугаланган ва микроскопик усул билан текширилган. Сув центрифуга пробиркаларга солиниб, центрифугаланган, чўкма алоҳида пробиркага йиғилиб микроскопик усул билан текширилган. Воқеа жойидан сув намуналари деярли барча ҳолатларда келтирилган. Назорат аъзо сифатида ўпка, диагностик аъзо сифатида асосан буйрак ва жигар, камдан кам ҳолатда юрак, талоқ аъзолари олинган. Калла асос суяк бўшлиғидан олинган суюқлик 518 та (58,9%), узун найсимон суяклар 35 та (3,98%) ҳолатда келтирилган. 76 та (8,64%) ҳолатда воқеа жойидан сув намунасида диатом – планктон топилмаган. 345 та (39,2%) ҳолатларда ўпкада диатом – планктон топилмаган. 595 та (67,6%) ҳолатда: 168 та (19,1%) ҳолатда жигар ва буйракда, 346 та (39,3%) ҳолатда калла асос суяк бўшлиғидан олинган суюқликда, 81 та (9,1%) ҳолатда диагностик аъзолар ҳамда калла асос суяк бўшлиғидан олинган суюқликда диатом – планктонлар топилган.

Хулоса: Сувдан топилган мурдалар ички аъзоларида диатом – планктон топилмаслиги чўкишдан ўлимни истисно этмайди. Диатом – планктон текшируви натижаларини баҳолашда сувдаги ўлим хусусиятларини, яъни юрак ва нафас фаолиятини асфиктик жараён бошида тўхташи ёки ўлим асфиксия белгиларисиз кечишини инобатга олиш керак, шунингдек чўкиш диатом – планктонларсиз сув хавзасида ёки диатом – планктонларнинг даврий ривожланиш жараенининг диатом минимум вақтидаги сув ҳавзасида

рўй берганда сувдан топилган мурда ички аъзоларида диатом – планктон аниқланмаслиги мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гиёсов З. А., Суд тиббиёти. Дарслик. – Тошкент. Global books, 2018. – 131 – 139 б.
2. Яблонский М. Ф, Жолнеровский В. М. , Буйнов А. А. “Анализ результатов исследований на диатомовый планктон при утоплении”. Вестник ВГМУ, 2006 г., Том 5, №1.
3. Рыбалкин Р.В., Можаров П.В., “Исследование диатомового планктона в случаях утопления” Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. Хабаровск, 2007 г. №81. — С. 104-106.
4. Прозоровский В.И. “Об изъятии, направлении и лабораторном исследовании внутренних органов трупов на элементы диатомового планктона” Методическое письмо УСМП МЗ СССР от 20.11.1961 г.
5. Пиголкин Ю. И., Дубровин И. А. Судебная медицина. Учебник. М.: ООО Издательство “Медицинское информационное агентство”, 2015 г. 214-219 с.